

Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 8 февраль, № 29 (8652)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 7 февраль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди. Шундан сўнг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко пойтахтимиздаги "Himo Arena" муз саройига ташриф буюрди.

Спорт мажмуасида Беларусь етакчисини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Муз саройидаги ушбу учрашув чуқур раъзий маънога эга. Александр Лукашенко — хоккей ишқибози, Беларусда ушбу спорт турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди, ўзи ҳам бир неча бор муз майдонига тушган.

Ўзбекистонда ҳам спортнинг киши турлари, шу жумладан, хоккейни ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. 2019 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Himo Arena" кўп функцияли муз саройи барпо қилинган эди. Тошкентнинг "Хумо" жамоаси халқаро ва минтақавий мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда, хусусан, Беларуснинг Гродно шаҳри "Неман" клуби билан беллашиб келмоқда.

Танишув чоғида Президентлар Тошкентнинг "Хумо" ва Остонанинг "Номад" хоккей жамоалари ўртасидаги учрашувни томоша қилдилар. Ўйин якунида олий мартабали меҳмонларга уларнинг исмлари туширилган хоккей кийими топширилди. Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 февраль куни бўлиб ўтди.

Ташриф дастурига мувофиқ олий даражадаги музокаралар ўтказилиши, уларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқиш режалаштирилган.

Ўзаро товар айирбошлашни ошириш, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика, коммуникациялар ва бошқа тармоқларда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлади.

Профессионал таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларида шериклигини ривожлантириш дастурлари ҳам муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқотда ушбу мамлакат Президентлигига навбатдан ташқари сайлов муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Сайловчилар иштироки ва фаоллиги юқори даражада бўлганини қайд этиб, давлатимиз раҳбари қардош озарбайжон халқи давлат келажаги, кучли ва гуллаб-яшнаган Озарбайжон учун овоз бериб, тўри қарор қабул қилганига ишонч билдирди.

Сўхбатда Ўзбекистон —

Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ижобий суръатда

ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йил якунларига кўра товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Кўшма Инвестиция компанияси ўз ишини бошлади, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқлардаги

кооперация лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Халқаро тузилмалар, шу жумладан, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

ЎзА.

Биз ва жаҳон

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь саммити арафасида Беларусь медиа маконида юртимиз ҳаётига оид туркум мақолалар ва хабарлар эълон қилинмоқда.

Жумладан, Беларусь телеграф агентлиги (БелТА) ўз каналлари орқали Ўзбекистон пойтахтидан, шунингдек, Самарқанддан ва мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан бир қатор ахборот материалларини тарқатяпти.

Агентлик 6 февраль куни Тошкентда Беларусь ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтгани ҳақидаги мақолани эълон қилди. Нашрда қайд этилганидек, учрашувда икки томонлама ва кўп томонлама кун тартибидagi долзарб масалалар батафсил муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, саноат кооперацияси лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Беларусь ОАВ 6-7 февраль кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон — Беларусь ҳудудларо II форуми якуний натижаларига алоҳида эътибор қаратди. Форумда Беларусь делегацияси-

га Бош вазир ўринбосари Леонид Заяя бошчилик қилди. Делегация таркибида қишлоқ хўжалиги вазири Сергей Бартош, саноат вазири Александр Рогожик, спорт ва туризм вазири Сергей Ковалчук, таълим вазири Андрей Иванец, соғлиқни сақлаш вазири Александр Ходжаев, вилоятлар, корхоналар ва олий ўқув юртилари раҳбарлари ҳам бор эди. Тадбирда Беларусь вилоятлари ва ишбилармон доиралар вакиллари ҳам қатнашди.

БелТАнинг ёзишича, икки кун давомида томонлар Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликнинг кенг қўламли масалаларини — сармовиявий ва саноат кооперациясида тортиб, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган аниқ йўналишларни муҳокама қилдилар.

Тадбирда Беларусь Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида шериклик муносабатларини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида ишбилармон ҳамкорлиқнинг маслаҳат органи — Бе-

ларусь — Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгашининг учинчи йиғилиши ташкил этилди. Унда Беларусь ва Ўзбекистон ташкилотлари ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари самарадорлигини ошириш, шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлидаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Бошқа бир хабарда Ўзбекистонда бўлиб ўтган музокараларда Витебск ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари ўртасида онкология, болалар хирургияси, трансплантология ва эндокринология соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилгани маълум қилинган. Таъкидланишича, томонлар иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, туризм, ахборот технологиялари ва спорт соҳалари бўйича ҳам музокаралар олиб боради.

"Гродно ва Самарқанд вилоятлари ҳамкорлиқни ривожлантириш ниятида. Бу ҳақда вилоят раҳбарлари Владимир Караник ва Эркинжон Турдимов томонидан учрашув чоғида айтилди", дея қайд этилади агентлик хабарида.



Бедор ўй

Маънавий ҲИҶОҚЛИК — ВАТАНПАРВАРЛИК НИШОНАСИ

Бугун юртимиз бўйлаб гайрати банд, матонатли, жасоратли ўғил-қизларимиз иштирокида "Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик!", "Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!" шioriлари остида маънавий-маърифий фестиваллар бежиз ўтказилмаяпти. Мазкур тадбирлар ёшларимизда ватанпарварлик, эрксеварлик, юртсеварлик туйғуларини, маънавий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, десак, адашмаймиз.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, она Ватанга, халққа хизмат қилиш қандай бўлиши кераклигини Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби улуғ алломаларимиз, саркардаларимиз, шоир ва мутафаккирларимиз ўз ҳаётлари, фаолиятлари мисолида кўрсатиб берган.

Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҷўлпон сингари зиёлиларимиз асарларида тараннум этган элпурта муҳаббат, ўз тили ва динига садоқат, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳислари бугунги кунда ҳам дол-

зарб аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларнинг серзаҳмат умр йўли — азоб-уқубатларга қарамай жасорат ва матонат билан бугунги фаровон кунлар учун курашиши, ҳатто жонини ҳам фидо қилиши ҳар биримиз учун ўрнат.

Президентимиз таъкидлаганидек, тарихдан маълумки, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар қучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қанбали зиёилари, шоир ва адиблар, санъат намояналари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққан.



Миллий бренд сиёсати:

ДЕНГИЗ ПОРТИМИЗ ЙЎҚ, АММО ТАНЛАГАН СТРАТЕГИЯМИЗ БОР



Бугун Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқишнинг янги муқобил йўлларини қидирмоқда. Чунки денгиз портлари мўқддан анча олисда. Океанга қамда икки давлат орқали чиқадиغان мамлакатлардан биримиз. Бу эса махсуслот импорти ва экспортида транспорт харажатлари улуши ортишининг асосий омилли. Оқибатда юртимизга олиб

Президент ташаббуси

Албатта, давлатимиз раҳбари бошчилигидаги бундай изчил саъй-ҳаракатлар ўз амалий натижаларини бермоқда. Аммо ташқи бозордаги ўрнимиз ва макеимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни энг илғор давлатлар даражасига кўтариш учун булар етарли эмас.

Ҳўш, у ҳолда ушбу долзарб масаланинг яна қандай оқилона ечимлари бор?

Бу ҳақдаги тақлиф ва ташаббуслар бир ярим ой аввал Президентимиз бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўртага ташланиб, тегишли устувор вазифалар белгилаб олинди.

АҚШ дўконларида мевачеваларимиз сотилади. Саноат махсуслотлари-чи?

Заминимизда етиштирилган сархил ноз-неъматлар доверуғи етти иқлимга машхур. Ўзбек қовуни, анори, узуми, анжир, гилосини Нью-Йорк ёки Сеул супермаркетлари пештахталарида кўриб ҳозир кўп ҳам ажабланмаймиз. Маргилондан адрасу атлас, Риштондан нақшдан кор сопол лагану кўзалар, Чўстдан пичоқ, Самарқанддан нону майиз, Бўҳородан каштадўзлик намуналари, Хоразмдан чўғирма харид қилаётган француз, италян ё ко-

рейс сайёҳларини ҳам худди одатдагидай, ҳайрату ҳаяжонсиз қабул қилишга одатландик.

Бироқ шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: нега, айтилик, олис Канаданинг Ванкувер ёки Бразилиянинг Форталеа шаҳрида яшовчи одамлар Ўзбекистон ёрлиғи туширилган камзул ё пойабзалларни таллашиб-тортишиб харид қилмайди? Нима учун ижтимоий тармоқларда тилидан бол томиб ўзбек палови, сомсаси, тандир гўшти, норин ё ҳасипини мақтаётган ажабной меҳмонларга юртимизда ишлаб чиқарилаётган технология ва техникалар, буюм ва ашёлар у қадар қизиқарли ва жозибадор эмас?



1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги ЎРҚ-539-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 264-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартришлар киритилсин:

1) **3-модда:** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: **«яшил энергия» сертификати** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат; **тўртинчи — саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; 2) **4-модда:** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «яшил энергия» сертификатлари тизимини ривожлантириш; **саккизинчи хатбоши** **тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

3) 6-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«қайта тикланувчи энергия манбалари ресурсларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини;

«яшил энергия» сертификатларини бериш ва муомалага киритиш тартибини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади»;

4) 15-модда қуйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Қуввати 300 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ягона электр энергетикаси тизимига улаш фақат ушбу манбалар махсус ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда) 304-моддаси қуйидаги мазмундаги 21-банд билан тўлдирилсин:

«21) қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган генерация объектларининг «яшил энергия» сертификатлари савдосидан тушган даромадлари».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 7 февраль № ЎРҚ—906

Ўзбекистон — Беларусь:

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК



Шунингдек, кўп миллатли ва бағрикенг Ўзбекистонда тинчлик ва тотувликда яшаб, ўз маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаган ҳолда ёш авлодга етказмоқда. 1993 йилдан бери мамлакатимизда «Свитанак» беларус маданият маркази фаолият кўрсатяпти. Ўтган йили мазкур маданият марказининг 30 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ўз навбатида, Беларусь Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти ҳузурида “Беларусь — Ўзбекистон” жамияти ташкил этилган. Унинг фаолияти Беларусда ўзбек маданияти ва анъаналари, мамлакатимиз тарихи ва санъатини кенг тарғиб этишга қаратилган.

Икки давлат ўртасидаги маданиятлараро мулоқотнинг фаоллигини эътироф этсак, асло муболага бўлмайдди. Ўзбекистон ва Беларусда икки халқ маданияти кунлари мунтазам ўтказиб келиняпти, республикаларнинг ижодий гуруҳлари халқро фестивал ва турли тадбирларда қатнашяпти.

Беларусь ёзувчиси Якуб

Коласнинг Тошкентдаги, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг Минскдаги ҳайкаллари икки халқ дўстлиги тимсолига айланган.

Кинематография соҳасидаги ҳамкорлик кўлами ҳам кенгаймоқда. 2021 йилда Беларусда Ўзбек киноси кунлари, Ўзбекистонда эса Беларусь киноси кунлари бўлиб ўтди. Уша йили ўзбек режиссёри Жаҳонгир Аҳмедов томонидан суратга олинган “Илҳак” бадиий фильми Минскда ўтказилган “Листопад” халқаро кинофестивалининг олий — Гран-при мукофоти ҳамда Беларусь Президентининг “Кинода инсонпарварлик ва маънавий учун” махсус мукофотига муносиб кўрилди.

Таълим соҳасида Беларусь билан 180 га яқин олий таълим муассасалариаро шартнома ва ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилдаги қарори билан Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўша тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур олий таълим муассасасида

1400 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмақда.

Ўзбекистон ва Беларусь давлат олий таълим муассасалари ўртасида амалга оширилаётган қўша таълим дастурларида салкам 2,5 минг ўзбекистонлик ёшлар таълим оляпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасида икки томонлама алоқалар жадвал ривожлантаётганини айтиб ўтиш жоиз. 2023 йил ноябрь ойида юртимизда Ўзбекистон — Беларусь соғлиқни сақлаш ва тиббиёт таълими кунлари, шунингдек, Беларусда қўша тиббиёт форуми бўлиб ўтди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — Беларусь икки томонлама муносабатлари тобора янги мазмун ва маъно билан тўлдирилиб, давлатларимиз имкониятлари мос равишда янада юқори поғонага қўтариляпти. Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи эса ҳамкорлиқнинг янги уфқларини белгилаш ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА



Учрашув Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлараро II форуми доирасида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида вилоят раҳбарлари товар айирбошлаш ҳақмини ошириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Гродно вилояти ижроия қўмитаси раиси икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик салоҳияти ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

“Брест вилояти ижроия қўмитаси Сирдарё ва Бухоро вилоятлари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳудудлараро шартномаларни амалга ошириш тўғрисидаги 2024-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлади. Уларни имзолаш ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлараро II форуми доирасида режалаштирилган. Ташриф доирасида Брест вилояти клиник шифохонаси ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ўртасида ҳамкорлик шартномаси, шунингдек, Брест ва Бухоро шаҳарлари ўртасида истиқболдаги режалар баённомаси имзоланиш режалаштирилган”, дейилади хабарда.

БелТА, шунингдек, савдо-иқтисодий ва тиббий соҳаларда, спорт, фармацевтика, металлур-

гия, кийим-кечак ишлаб чиқариш ва хавфсиз технологиялар ҳабаҳларида эришилган келишувлар ҳақида ҳам ёзган.

Таъкидланишича, Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлараро II форумида 80 миллион АҚШ доллари миқдориди ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Бундан ташқари, агентлик Беларусь таълим вазири Андрей Иванец Ўзбекистон олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиротбой Шарипов билан музокаралар ўтказгани ҳақидаги мақолани ўз ўқувчиларига тарқатди. Кун тартибиди икки вазирлик ҳузурида Беларусь — Ўзбекистон илмий-техникавий консорциумини ташкил этиш масаласи, шунингдек, икки давлат иқтисодиёти эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қўша таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

“Асосий эътибор сифати таълимга қаратилди. Икки томонлама келишувларни амалга оширишнинг янги шакллари тақлиф этилди”, деб ёзган агентлик муҳбири.

«Дунё» АА. Минск

Маънавий ۇйғоқлик – ватанпарварлик нишонаси



Бугун ана шу жасоратли шахслар барчамизга ибратдир. Чунки ҳозирги ахборот глобаллашуви даврида мамлакатимизга, бугунги дориламон кўнларимизга ахборий таҳдидлар, салбий таъсир кўрсатишга уринишлар кўпайса кўпаймоқдаки, асло озайгани йўқ.

Бундай ғоявий хуружларни, сиёсий “уйин”ларни халқимиз энг улугъ бойликини — мустақиллигини қўлга киритган кунларданок бошидан ўтказиб келмоқда. Уша вақтда “Сиз мустақил бўлиб, нима қила оласиз?”, “Қандай ютуқларга эришасиз?”, “Қимлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайсиз?” деб кинога қилган инсонлар бугун энди ютуқларимизга ҳасад қўзи билан қарамоқда. Тўғри йўлдан қалғитишга, миллатлар ўртасига нифоқ солишга, ёшларда эртанги кунга ишончсизлик руҳини уйғотишга ҳаракат қилмоқда.

Узини “тарихчи” деб билган кимсаларнинг мамлакатимизнинг шонли ўтмишини қамситишга уринаётганини — бундай ахлоқсизлиқни, билимсизлиқни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Ахир жаҳон тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатган биринчи Ренессанс ҳамда иккинчи Ренессанс айнаан Ўзбекистон ҳудудида азалдан яшаб келган туркий халқлар рўёбга чиқарганини, бу халқлар не-не улугъ салтанатлар қурганини бутун дунё билади ва ўқиб-ўрғанади-ку!

Биз бундай сохта олимларга асосли жавоблар беришимиз керак. Айни пайтда ёшларимизга ўтмишимизни пухта ўргатишимиз, қалбларида Ватанимизга ҳурмат-эҳтиромни янада қучайтиришимиз лозим. Бунинг учун таълим-тарбия ишларини янги босқичга қўтаришимиз зарур.

Президентимиз ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга ургу бериб, бежизга янги шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни очмаяпти, уларнинг ўқув дастурларини бошқа мактабларда ҳам жорий этиш зарурлигини таъкидламаяпти. Мақсад — юртимизда кўнгли қўзи очик, билими юксак, замонавий фикрлайдиган, ўз касбининг устаси бўлган ёш авлодни тарбиялаш.

Зотан, чинакам Беруний издошлари, Мирзо Улуғбек ворислари, Алишер Навоий давомчилари ўз ютуқлари билан бутун дунёга биз ким, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимизни нафақат сўзда, балки амалий фаолиятида кўрсата олади. Айниқса, буни кўрган айрим ғаламисларнинг қўзи янада каттароқ очишлишга шубҳа йўқ.

Янги Ўзбекистонда ёшларга замонавий билимларни ўргатиш билан бир қаторда, қалбларига аждодларимиз қонида бўлган давлат ва сиёсий бошқарув, ҳарбий ватанпарварлик ҳамда ўз юртининг ҳимоячиси бўлишдек эзгу фазилатларни сингдиришга интиломқамиз. Уларнинг фикрини, тақлиф ва ташаббусларини эшита-



миз. Ҳатто парламентда ҳам ўз ўрни, овози, имижы бўлиши учун барча имконият ва имтиёзларни яратмоқдамиз. Бунга бугун чет эл экспертлари ҳам ҳавас билан боқмоқда. Бинобарин, биз ёшларимизга ишонамиз. Чунки улар бизнинг давомчимиз!

Навқирон авлод бағрикенглик, ҳамжихатлик руҳида тарбияланыпти. Улар дунёга очик юз билан қараяпти. Чунки мамлакатимиз ана шундай ички ва ташқи сиёсатга эга. Жаҳон мамлакатлари, барча миллат ва дин вакиллари билан бағрикенглик, дўстлик, халқро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ўрнатиб, бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро тенглик, ҳамкорлик тамойиллари асосида умрғузaronлик қилиш тарафдори бўлиб келмоқда. Буни Президентимизнинг жаҳоннинг энг юксак минбарларида туриб билдираётган фикрлари, илгари сураётган ташаббуслари мисолида ҳам кўраёмиз.

Бугунги геосиёсий жараёнлар биз, ёшлар сиёсатига дахлдор инсонлар, маънавиятчилар зиммасига улкан масъулият қўлайди. Юртимизга четдан бўлаётган ҳар қандай игво, тухмат илдиэларига болта уришда ўрناк кўрсатибгина қолмай, йиғит-қизиларибизнинг доворак, мард ва жасур, миллий гурури баланд, ватанпарвар бўлишга ҳисса қўишимиз шарт. Ҳазрат Алишер Навоий: “Одам борки, одамларнинг нақшидор, одам борки, ҳайвон ундан яхшидир”, деганидек, биз ёшларимизни миллатидан, ириқдан, динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг, дунёнинг нақши бўлади-ган даражада тарбиялашимиз керак.

Амир Темури таъкидлаганидек, биз ёшларга қуч бирлиқда, адолатда эканини ўқитсак, маърифатнинг бекиёс куч-қудратини аждодларимиз ҳаёти, бебаҳо мероси мисолида кўрсата билсак, шубҳасиз, фарзандларимиз Ватанимизга садоқатли, янги Ўзбекистонни авайлаб асрашга қодир, турли ахборот хуружларига, Президентимиз таъбири билан айтганда, “мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайди”, дея жавоб берадиган инсонлар бўлиб улғаяди.

Жамила ШЕРМУҲАММЕДОВА, Республика Маънавий ва маърифат маркази эксперти, «Маърифат» тарбиятчилор жамияти аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Навоий вилоятининг инновацион ҳудуди бўлиш Қармана туманида Ядро физикаси институти тадқиқотлари асосида ишлаш муддати узайтирилган, дезинфекциялаш хоссаига эга қумуш наноэаррачалари билан модификациялаштирилган тескари осмотик мембраналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Интилиш



Ушбу маҳсулот истеъмолга яроқсиз сувларни молекуляр даражада тозалаб берувчи усқуналарнинг асосий ва мураккаб қисмидир. “Авал Телч” МЧЖ томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилиб, бугунги кунда икки турдаги мутлақо янги маҳсулотлар — “Авал 4040 тескари осмос мембранаси”, “Авал 8040 тескари осмос мембранаси” ишлаб чиқарилмоқда. Тескари осмос мембраналарида қумуш наноэаррачаларидан фойдаланилгани туфайли унинг рақобатчи маҳсулотлардан устун бўлиши таъминланади.

— Лойиҳа қиймати қарийб 1,5 миллиард сўм, олпита янги иш ўрни яратилди, — дейди корхона раҳбари Санжар Ашуров. — Қўлинган харажатлар бир йилда ўзини оқлайди. Сабаби корхона қуввати йилга 800 — 1000 донани ташкил этиб, ҳозирнинг ўзидаёқ 1 миллиард 700 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. Таъкидлаш жоизки, минтақамизда ичимлик суви танқислиги билан боғлиқ муаммолар йилдан-йилга мураккаблашиб борар экан, бу каби лойиҳаларнинг ишга туширилиши ўта муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар берилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Миллий бренд сиёсати:

ДЕНГИЗ ПОРТИМИЗ ЙЎҚ, АММО ТАНЛАГАН СТРАТЕГИЯМИЗ БОР



Мамлакатимизда энг сара навли пахта, микро-нейр кўрсаткичлари ва бошқа сифат мезонлари бўйича энг яхши тола етиштирилса-ю, нима сабабдан Италия, Туркия ё Жанубий Кореяда тайёрланган либосларни сифат жиҳатдан қувиб ўта олмаёғимиз?

Жўяли ва мантқили жавоб эса шундай: тadbиркорлар ишбилармонларимиз миллий sanoat маҳсулотларимизни ҳали дунё таниган ва тан олган бренд даражасига деярли олиб чиқа олишгани йўқ.

Ўтган йилнинг 18 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокама юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида айни шу масалалар ўртага бежиз ташланмаганди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари маҳаллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиши учун энг муҳим жиҳатлардан бири — бренд эканлигига алоҳида эътибор қаратди. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқли товарларимиз бренд-га айланмаганилиги сабабли ташқи и бозорларга арзон сотилаётганлигини кўрсатиб ўтди. Айни сабабдан маҳсулотларимизнинг фақат сотилиши эмас, балки ташқи бозорларда бренд сифатида танилиши учун ҳам қўмақлашиш зарурилиги таъкидланди.

Шунингдек, жаҳоннинг машҳур номдаги маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқариш мумкинлиги қайд этилиб, бундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда нуфузли брендларни Ўзбекистонга олиб келиш кераклиги айтилди. Зеро, бу Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар билан ҳамоҳангдир. Бунга эришиш учун ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаол бренд сиёсатини амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга.

Кўшилган қиймат катта даромад демак

Бренд яратиш, албатта, осон иш эмас. Бу — зарур, узоқ муддатли ва шу билан бир вақтда хавф-хатарли маблағ сарф қилиш, дегани.

Жаҳон тажрибасидан қиёс: сўнгги вақтларда савдо маркази улуши компанияларнинг умумий қийматида оғимшай ўсиб бормоқда. XX асрнинг 80-йиллари бошида номоддий активлар улуши (энг аввало, ҳамми савдо маркалари) компанияларнинг умумий қийматида 20 фоиздан кам, 90-йиллар аввалида қарийб 50 фоиз, 90-йиллар охирида эса 80 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этган.

Бренд кучини таърифлашда, кўпинча “бренд капитали” деган тушунча ишлатилади. Бу — маҳсулот брендининг номи орқали келади-ган қўшилган қиймат демак. Маркетинглоглар мазкур тушунчани харидор фирмали товар ёки хизмат учун брендга эга бўлмаган ўхшаш маҳсулотга тўлаши мумкин бўлган нархдан юқори устама тўлайди, деб изоҳлайди.

Бренд капиталини яратиш жараёнида иштирок этувчи ва маълум роль ўйнавчи туртта омилни кўрсатиш мумкин. Булар қуйидагилар: харидор фирмали товарни брендга эга бўлмаган ўхшаш товардан сифатли деб баҳолаши, брендининг рақобатли бозордаги машҳурлиги, истеъмолчиларда ижобий ҳис-туйғу уйғотиши ва ниҳоят, харидорларнинг брендга бўлган содиқлиги.

Демак, қучли брендга эга бўлиш — мўл имкониятлар сари очилади-ган йўл. Бинобарин, мазкур натижа ҳар қандай корхонани фойда манбаи билан таъминлайди.

Бренд капитали ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун фаол бошқарув зарур. Бундан ташқари, у стратегик ва тактик маркетинг дастурларини амалга оширишни тақозо этади.

Апельсин қачон қўлма-қўл бўлади?

Маркетинглоглар ҳулосасига кўра бренд капиталини яратиш учун босқичли жараён. Илк босқич бренд элементларини танлашдан иборат. Шуни мақсад қилган корхона ва ташкилотлар ўз товарлари ҳамда хизматларининг бошқа рақобатчиларидан ажралаиб туришига ёрдам берадиган ном, логотип, шюр, ранг

ва бошқа фарқланувчи белгиларни танлашга қатъий эътибор беришлари зарур.

Иккинчи босқич брендни яратиш ва ривожлантириш бўйича маркетинг дастурларини ишлаб чиқишни қамраб олади.

Учинчи босқич брендни силжитишда бошқа ташкилотлар ва тузилмалар билан бўладиган ўзаро алоқалардан самарали фойдаланишга асосланган.

Бренд номини истеъмолчиларнинг аксарият қисми билиши ва унга ишониси муҳим. АҚШда асос солинган “Sunkist Growers” компанияси раҳбари Рассел Хэнлининг шундай сўзлари бор: “Апельсин — бу апельсин, яъни оддий апельсин. У истеъмолчиларнинг 80 фоизи била-диган ва ишонадиган, бизнинг компаниямиз апельсини бўлгачгина брендга эга маҳсулотга айланади”.

Яъни бренд қўшилган қийматни яратиб, маҳсулот ва хизматни истеъмолчилар учун жозибадор қўри-нишга олиб келади. Унинг номдорлиги корхонага қўшимча фойда келтиради. Ўз навбатида, бундай маҳсулоту хизматлар истеъмолчилар ҳиссиётига қучли таъсир қилиши, шубҳасиз. Зотан, бренд — бу истеъмолчилар тасаввурини товар ҳақида идрок этиладиган кўрсаткичлар тўплами.

Ташқи бозорга чиқишда қандай тўсиқлар бор?

Бренд қандай яратилади? Бу ре-клама маҳсули, шу соҳа зиммасида-ги вазифа, дейиш нотўғри фикр. Не-гаки, реклама фақат брендга эъти-бор қаратиши ва истеъмолчиларда қизқиш уйғотиши мумкин ҳолос. Брендни яратиш эса комплекс жа-раён. У ўз ичига реклама, жамоат-чилик билан алоқалар, маркетинг чора-тадбирлари, ҳомийлик, турли фойдалар ақциялар, журналист ва блогерлар эътиборини товар мар-касига жалб этиш ҳамда бошқа во-ситаляри қамраб олади.

Қолаверса, ёндашувлар вақт та-қозосига кўра ўзгариши мумкин. Ми-сол учун, XX аср менежерларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини бизнес сифатида



бошқариш кераклигини ўқирган бўлса, XXI аср бизни sanoat ва хизмат кўрсатиш тармоқларига яратиш ва кенгайтириш мумкин бўлган бренд сифатида қарашга ўргатади.

Мамлакатимиз мисолида айтди-ган бўлсак, сўнгги йилларда “Ўзтўқи-мачиликсаноат” ва “Ўзхармсаноат” уюшмалари корхоналари жаҳон сифат стандартлари асосида маҳсулот брендларини яратиш ва кенгайтириш бўйича маълум ижобий натижаларга эришгани қувонарли. Чунончи, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналари 2023 йилда 27 халқаро бренд остида товарлар экспортини амалга оширгани буни тасдиқлайди.

Бирок Президентимиз қайд этга-нидек, ҳозирги кунда трикотаж кийим ва мато, газлама, кабелъ, машиий техника, мевалар, узум, дук-какли экинлар, қайта ишланган мева-сабзавот каби энг кўп экспорт бўладиган 10 турдаги маҳсулотни ташқи бозорларга олиб киришда қўллаб тўсиқлар бор.

Тармоқлар ҳар доимги экспорт бозорлари билан чекланиб қолаёт-гани, янги бозорларга кириб бориш-га уларда тоқат етишмаётгани — реал вазият.

Шу сабабли мутасаддиларга экспортбоп 10 турдаги тайёр маҳсулотнинг бор бирига 10 тадан янги истиқболли бозорни белгилаб, савдо платформаларида маҳсулот-ларга техник ва сифат талабларни ўрганиб, маҳаллий корхоналарга уларни ўргатиш, лабораториясига

ёрдам бериш топширилгани яқин истиқболда ўз самарасини беради, деб ишонамиз. Бу борада сертифи-кат, бож ва йиғимларни юмшатиш бўйича чоралар кўрилиши белгилан-ганини дадил қадамлар сифатида олқишлаймиз.

Ўз навбатида, мато, уй текстили, ички кийимлар, гилам, пойабзал, чарм аксессуарлар, қурилган ва консерваланган мева-сабзавот, қан-долат, лок-бўёқ, мәрмар, чинни, ка-фель, идиш ва сантехникалар бўйи-ча машҳур брендлар буюртмаларни ҳоилаштиради 30 та “сорсинг” компанияси билан келишувга эришиб, маҳаллий корхоналаримиз билан боғлаш ташаббуси

Сенат қўмиталарида

ЎН МИЛЛИОН ЮРТДОШИМИЗ СПОРТ ТУРЛАРИГА
ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ



Муҳокама жараёнида ёшлар, маданият ва спорт соҳаларида оид устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, давлат дастури лойиҳа-сидан 7,5 минг нафар ёшни замонавий касб-ларга ўқитиш, 100 та волонтерлик лойиҳасини амалга ошириш ва оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитлар-нинг камида 40 фоизини ёшлар тадбиркор-лигини ривожлантиришга йўналтириш ҳамда 300 минг ўғил-қиз бандлигини таъминлаш ма-салалари ўрин олган.

Шунингдек, 10 миллион нафар юртдо-шимизни югуриш, футбол, волейбол, теннис, шахмат ва сузиш каби спорт турларига фаол жалб қилиш, разрядли ва унвонли спорт-

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси сенаторлар, вазирилик ва идоралар масъуллари, экспертлар, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзолари ҳамда Ёшлар парламенти вакиллари иштирокида қўриб чиқилди.

чилар сонини 30 мингга етказиш, маҳалла-ларда 400 та спорт майдончаси куриш, олим-пия спорт турлари бўйича 450 та секция очиш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, маданият йўналишида маҳал-лаларда умуммиллий бирдамлик бoғларини ташкил этиш, туркий тили давлатлар ёш ижодкорлари анжуманини ўтказиш, давлат театрлари томонидан намоиёш этиладиган спектаклларга 3,6 миллион томошабин жалб қилиш, жойларда ўтказиладиган цирк томо-шалари сонини 550 тага ошириш, Нукус ша-ҳри ва вилоятлар марказларида жойлашган ма-даният ва истироҳат бoғларида биттадан за-монавий ёзги кинотеатр ва “book-кафе” фа-олиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, “Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи” лойиҳасини жорий этиш ҳамда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 15 минг нафар иқтидорли ёшни нуфузли халқ-аро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш мақсад қилинган.

Ўз навбатида, йиғилишда қўмита томони-дан илгари сурилган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган за-рарли ахборотлардан болаларни ҳимоя қилиш бўйича аниқ нормалар киритиш тақлифи ҳам ўрин олгани, бу бўйича чуқур таҳлиллар ўтқа-зиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Муҳокама чоғида сенаторлар томонидан лойиҳа юзасидан қатор тақлифлар илгари су-рилди. Ёшларни компьютер технологиялари-га ўқитиш ҳамда креатив санъатни ривож-лантириш асосларини ишлаб чиқиш ва ама-лиётга жорий этиш, республика миқёсида илтимиз тўхтаган ёки банкрот ҳолатдаги ёш тадбиркорлар фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича за-рур амалий чоралар куриш ана шулар жум-ласидандир.

ҲАР БИР ИНСОНГА
ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ
РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ
УЧУН МУНОСИБ
ШАРОИТ
ЯРАТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сенаторлар, вазирилик ва идоралар масъуллари, “Тараққиёт стратегияси” маркази экспертлари, ННТ вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари иштирок этди.

Дастурнинг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” йўнали-ши 25-мақсадда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ти-зимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфа-атларини қафолатлаш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда гендер тенгликни таъмин-лашга қаратилган амалий чоралар белгиланган.

Хусусан, хотин-қизларни меҳнат бозорига рақобат-бардош касб-ҳунарларга ўқитиш орқали бандлигини таъ-минлашга қўмаклашиш ҳамда улар ўртасида тадбир-корликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Муҳокама чоғида иштирокчилар томонидан кейинги йилларда юртимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётга-ни, лойиҳада ўз ифодасини топган вазифалар эса ушбу йўналишдаги ислохотларнинг мантиқий давоми экани алоҳида ургунланди.

Қолаверса, дастурдан ўрин олган вазифаларни рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш ло-зимлиги таъкидланди.

Муҳокама жараёнида қўмитанинг вазифаларидан ке-либ чиқиб, лойиҳага киритиш учун бир қатор тақлиф-лар илгари сурилди.

Йиғилишдада қўриб чиқилган масалалар юзаси-дан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(“Халқ сўзи”).

Янги тамойил асосида
маҳаллий ижроия ҳокимияти
фаолияти тақомиллаштирилади

Хабарингиз бор, янги таҳрирдаги Конституциямиздан келиб чиққан ҳолда, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатлари тақсимланишига асосланган маҳаллий давлат ҳокимиятининг янги модели жорий этилди. Унга кўра, маҳаллий давлат бошқарувида вакиллик ва ижро этувчи органларнинг ваколатлари бир-биридан ажратилди. Эндиликда маҳаллий Кенгашлар сайландиган вакиллик органлари, ҳокимликлар эса ижро органлари сифатида фаолият кўрсатади.

Таҳлил

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овози”га айланти-риш ва ҳудудий бошқаруви “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этиш вази-фаси белгиланган.

Маъмур йўналишдаги мав-жуд вазият таҳлил қилинган-да, йиллар давомида қонун-чиликдаги жадал ўзгаришлар боис маҳаллий давлат ҳоки-мияти органлари зиммасида 700 дан ортиқ вазифа, функ-ция ва ваколатлар борлиги маълум бўлди. Бу эса ама-лиётда қатор қийинчиликлар-ни келтириб чиқараётганди.

Президентимизнинг ақи-да қабул қилинган “Маҳал-лий давлат ҳокимияти орган-лари фаолиятининг самара-дорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаоли-ятидаги мураккабликларни бартараф этиш ва қонуний-лик тизимлигининг таъмин-лашга қаратилгани билан диққатга сазовор.

Маъмур ҳужжатга биноан, “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойи-ли асосида маҳаллий иж-роия ҳокимияти фаолияти бугунги кун талабидан ке-либ чиққан ҳолда тақомил-лаштирилади. Яъни маҳал-лий вакиллик органлари-нинг ролини ошириш мақ-садида 33 та вазифа, функ-ция ва ваколат маҳаллий Кенгашларга ўтказилмоқда.

Жумладан, давлат бoғча ва мактабларини ташкил этиш ва туғатиш, буюртма қўриқхона-лари, табиий питомниклар, рекреация зоналари, ботани-ка ва дендрология бoғларини очиш, шаҳар йўловчи транс-портда йўловчи ва юк ташиш ҳақини тўлаш тарифларини белгилаш ҳамда ичимлик суви таъминоти бўйича хизматлар тарифларини тасдиқлаш ва бошқалар маҳаллий Кенгаш қарорлари билан амалга оши-рилиши назарда тутилмоқда.

Яна бир муаммо шунда-ки, маҳаллий Кенгашларнинг қонунчиликдаги ваколатлари тизимлаштирилмагани боис улар биргина ҳокимликлар ва қатор давлат идораларин-инг у ёки бу соҳага оид ҳисобот ва ахборотларини йилига қарийб юздан ортиқ мартабта эшитишга мажбур бўларди. Бу эса маҳаллий Кенгашлар иш юкларини суъбий равишда ошириб юбориши баробарида, жой-ларда муҳим вазифалар но-мигагина ижро қилинишига олиб келаётганди.

Буни биргина мисол ёрдамида аниқ тасаввур қилиш мумкин. Эътибор бе-ринг, биргина ички ишлар органлари ҳудудий бўлин-малари раҳбарлари, улар-нинг тармоқ бўйича ўрин-босарлари ҳамда маҳалла-лардаги про филактика инспекторлари маҳаллий Кенгашларга алоҳида-ало-ҳида ҳисобот беради.

Шу сабабли Фармон асосида Кенгашларнинг қатор ваколатлари қайта қўриб чиқилиб, улар соҳалар бўйича тизимлаштирилади.

Ушбу ҳужжатда маҳаллий Кенгашлар зиммасига вази-фа ва функциялар фақат қонун ҳужжатлари билан юклатилиши, давлат органи ва ташкилотлари томонидан уларнинг фаолиятига ара-лашишга йўл қўйилмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бе-рилган вазифалар ижроси-га фақат уларнинг ўзи масъул экани қатъий мус-таҳкамлаб қўйилган.

Шу ўринда Фармонда ма-ҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга, норма ижодкорлиги ва назо-рат-таҳлил фаолиятини ку-чайтиришга қўмаклашиш ва услубий қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу йўналишда тақ-лиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида Олий Мах-лис Сенати томонидан амал-га ошириладиган тадбирлар ҳам белгиланганлигини ало-ҳида таъкидлаш зарур.

Унга мувофиқ, Сенат ма-ҳаллий Кенгаш депутатлари ва котибиятлари ҳодимлари сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқу-ларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлайди, маҳаллий Кен-гашлар ваколатлари, вазифа ва функцияларининг реест-рини ишлаб чиқади ва юри-тади, Вазирлар Маҳмаси билан биргаликда Ўзбекис-тонда маҳаллий давлат ҳоки-мияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш кон-цепциясини тайёрлайди.

Яна бир эътиборли жиҳат-га тўхталсак. Гап шундаки, ушбу Фармонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида маҳаллий Кен-гашлар депутатлари ва ко-тибиятлари ҳодимларининг билим ва малакасини оши-ришга қаратилган ўқув курс-ларини тизимли ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар биноларига ва уларни мо-ддий-техник жиҳатдан жиҳоз-лашга доир минимал талаб-ларни ишлаб чиқиш масала-лари ҳам ўрин эгзлаган.

Умуман, Фармон маҳал-лий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг са-марали йўлга қўйилишига, маҳаллий вакиллик органла-рининг давлат ва жамият бошқаруви ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантиришдаги ролини кучайтиришга ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари-нинг маҳаллий Кенгаш ол-дидаги масъулиятини оши-ришга хизмат қилади.

Маҳмуд ПАРТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот сиёсати ва давлат
органларида очкичликни
таъминлаш масалалари
қўмитаси аъзоси.

Хотин-қизлар ва
болалар ҳуқуқларини
ҳимоялаш борасидаги ишлар
юқори баҳоланди

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД)нинг гендер тенглик ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича катта координатори Ж. Бижио бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот

Унда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабат-лар, жумладан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бо-расида ЮСАИД билан ҳамкорлик истикболи қўриб чиқилди.

Таъкидлаш лозим, маъмур тузилма билан ҳам-корликда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалти-риш борасида қатор лойиҳалар рўёбга чиқариб келинмоқда.

Мулоқот давомида АҚШ томонидан Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар юқори баҳоланди. Айни чоғда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишда ақндан ҳамкорлик қилишга ишонч билдирилди.

Учрашувда, шунингдек, келгусида биргаликда амал-га ошириладиган режалар, ҳамкорликда ўтказиладиган халқаро тадбирлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

“Халқ сўзи”.

Қисқа сатрларда
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Дастур лойиҳасида фуқаро-ларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароит-лар яратиш орқали ишсиз аҳолини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, камбағал оилалар муаммоларини ҳал этиш билан мамлакатда камбағаллик дара-жасини камайитириш, ҳудудлар кесимида камбағал аҳолининг балансини шакллантириш бўйи-ча 2024 йилга мўлжалланган ислохотлар назарда тутилган.

Бугунги кунда кенг жамоат-чилик муҳокамасига қўйилган давлат дастури лойиҳаси юза-сидан юртдошларимиз томо-нидан турли фикр-мулоҳаза-лар, тақлифлар билдирилмоқ-да. Бу, ўз навбатида, лойиҳа-ни янада тақомиллаштириш, халқимиз фаровонлигини оши-риш, юртимиз равнақини юк-салтиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатга айланишига туртки бўлади.

Қизгин мунозаралар давоми-да қўмита аъзолари дастур лойиҳасида белгиланган вази-фаларни синчиқлаб таҳлил қилиш бўлган бир, ўзгара-масъул билан соҳалар нуктаи назаридан келиб чиқиб, айрим йўналишлар бўйича тақлиф-му-лоҳазаларини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик па-латасининг Саноат, курилиш ва савдо масалалари қўмитаси то-монидан “Ўзбекистон Республи-каси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг фаолияти янада тақомиллашти-рилиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси муҳока-масига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Маъмур қонун лойиҳаси қўйи палатанинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида қизгин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан уни янада тақомиллаштириш, пишқиқ-пухта ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича қўллаб тақлифлар, фикр-муло-ҳазалар берилган эди.

Депутатлар, ишчи гуруҳ аъ-золари иштирок этган йиғилишда ушбу тақлифлар чуқур таҳлил қилинди, уларни қонун лойиҳа-сида акс эттириш бўйича қонун ташаббускорлари билан кели-шиб олинди.

— Маъмур қонун лойиҳаси би-лан иқтисодий таъсири паст ҳолатлар бўйича биринчи марта

ота-она — маҳалла” занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади. Шу билан бирга, ёшлар ўртаси-да оммалашган ижтимоий тармоқлар таҳ-лил қилинган, уларнинг зарарли таъсири-дан ҳимояланиш ва ижобий томонидан фой-даланиш чоралари қўрилади. Ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчил тилда қўлланмалар тайёрланади.

Маъмур ташаббуслар амалиётга жорий этилса, Президентимиз таъкидлаганидек, мактаб таълими бўйича ота-онада масъу-лият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳал-лада эса назорат бўлади.

Умуман олганда, соҳада белгилаб бе-рилган вазифалар ижроси ёшларнинг са-лоҳияти ва қобилиятини юзага чиқаришга, уларнинг ақли, билими, рақобатбардош мутахассис сифатида камол топишига хизмат қилади.

Мавлуда МБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг сифатини яхшилаш, тиббиёт ҳодимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бугун кенчиктириб бўлмас вази-фалардан бири саналади.

Видеоселектор йиғилишида бирламчи тиббиёт тизимида сифат ва мутахассис-лар етишмаслигига алоҳида эътибор қара-тилган экан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига соҳадаги вакансияларни онлайн платфор-мага жойлаштириб, кадрларни ишга олиш бўйича шаффоф тизим яратиш вазифаси юклатилди.

ТАЪЛИМ ВА ТИББИЁТДА МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизда аҳоли турмуши учун муносиб шароит яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича барча чоралар қўрилмоқда. Охириги етти йилда мактабгача таълимда камров кўрсаткичлари ошди, янги мактаблар курилди, таълим ва тиббиётда хусусий секторга кенг йўл очилиб, сифатга интилиш пайдо бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёёв раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маъмур йўналишларда аҳоли билан ишлаш, стандартларни янгилаш ва рақамлаштириш бўйича камчиликлар борлигига эътибор қаратилиб, мавжуд муаммолар таҳлил қилинди ва жорий йилги вазифалар белгилан берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

Акс садо

Ўрол ЎРОЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Дунёдаги ривожланган, тараққиёт бо-бида юксакликка кўтарилган қайсики мам-лакат бўлса, барчаси юқори малакали, ин-теллектуал салоҳиятга кадрлари боис бун-га эришган. Буларнинг таг замирида, ал-батта, сифатли таълим тизими туради, десак, айна ҳақиқат. Шу боис кейинги йил-ларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида таълим тизимида кенг қўламли ишлар, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида ҳам таълим тизимида учраётган муаммоларни бартар-аф қилиш, инновацион ва креатив фикр-лайдиган замонавий кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш бо-расида устувор вазифалар белгилан берил-ди. Жумладан, барча мактабгача таълим муассасаларини миллий қадриятларимиз-

Охириги йилларда соғлиқни сақлаш со-ҳасини рақамлаштириш ва ахборот ти-зимлари ағона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тар-тиб-тамоийларни қисқартириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш борасида салмоқли ишлар бажарилган ҳаммамизга яхши маълум. Хусусан, сўнгги икки йилда тиббиёт соҳасини рақам-лаштиришга бюджетдан 90 миллиард сўм йўналтирилди.

Амалга оширилаётган кенг қўламли иш-лар, соҳага ажратилаётган маблағлар на-тижасида қисқа даврда аҳолига қўллаб қулайликлар яратилди. Энди “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона” ва “Электрон тиббий карта” тизимлари ишга туширилиши, қафолатланган пакетга кир-ган дориларни электрон рецепт асосида бериш йўлга қўйилиши юртдошларимиз-нинг тиббий хизматдан фойдаланиш им-кониятларини янада кенгайтиришга хиз-мат қилади.

Маълумки, она ва бола ўлимнинг ол-дини олши, касалликларни кескин камай-тириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бугун олдимизда турган энг асосий, муҳим вазифалардан бири-дир. Демак, бундан бўён ҳар бир она ва бола ўлимига “давқулодда ҳолат” деб қараш керак.

Албатта, кейинги йилларда бўлгуси оналарнинг саломатлигини мунтазам на-зорат қилувчи замонавий хизмат турпа-ри — скрининг марказлари ташкил этил-ди, туғруқхоналарнинг моддий-техника базаси мустахкамланди. Лекин ҳозирги давр бу борадаги ишлар қўламини яна-да кенгайтириш, кўрсатилаётган тиббий

хизмат даражасини юксалтиришни тақо-зи этилмоқда.

Йиғилишда бу борадаги муҳим йўна-лишларга тўхталиб, туғруқхоналарни за-монавий ускуналар билан жиҳозлаш, хомилалар ва туғруқ ёшидаги аёллар са-ломатлигини мустаҳкамлаш, доя ва ҳам-шираларни қўшимча ўқитиш бўйича то-пириқлар берилади. Бу бежиз эмас. Зеро, соғлом бола соғлом ва ахил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади.

Умуман олганда, соҳада олиб бори-лаётган ислохотлардан қўзланган пировард мақсад битта — халқимизни тиббиётдан рози қилиш, одамларнинг фаровон яшаш учун барча имкониятини яратиш. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилан берилган вазифалар ижросини таъминлаш фақат тиббиёт ҳодимларининг иши эмас, бу борада биз, депутатлар, кенг жамоат-чилик биргаликда иш олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Шахноза ХОЛМАҲАМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати:

— Ватанин севиш — муқаддас бурч. Бу туйғунни ҳис қилиш, айниқса, уни ёш авлод қалбига сингдириш муҳим вазифа. Нега-ки, Ватанини севган ёшлар, унинг тарихи-га ҳурмат кўрсата олади, юрт тараққиёти учун ўзини дахлдор ҳис қилади.

Ҳаётий мисоллардан маълумки, ватан-парвар ёшларда ўзининг намунали ҳулки, ўрнат бўларли фазилатлари билан ота-она-си ва ақиллари, бутун жамият учун фар-иштихор бўлиш масъулияти кучли бўлади. Бундан англашиладики, бугунги глобалла-

“Халқ сўзи”.

БУЮК ШОИР АДАБИЙ МЕРОСИДА ФАРОВОН ЖАМИЯТ, АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВ ҒОЯЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ёшлар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги муносабати билан “Алишер Навоийнинг адабий меросида фикҳ масалалари” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, атоқли олим ва ёзувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида муҳим ўрин тутади. У ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намояндалашган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда улуг аждодларимизга нисбатан муносабат ҳар қачонгидан ҳам юксак босқичга кўтарилди, уларнинг маънавий-маърифий меросини ўрганишга бўлган эътибор тубдан кучайди. Хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг илмий-маданий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди.

Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги тегишли қарори буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини чуқур ўрганиш, унинг улмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда буюк аждодимиз нафақат илмий-ижодий, балки миллий давлатчилик ва адолатли жамият барпо этиш борасидаги фаоллияти билан ҳам жаҳон тарихида ўчмас из қолдиргани алоҳида эътироф этилди.

Қайд этилганидек, Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги билангина белгиланмайдди. У бадий ижод жаҳҳасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда ҳам шунчалик беназир. Навоий асарларида давлатчилик асослари, инсон ҳуқуқи масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, фаровон жамият, адолатли бошқарув ғоялари акс этган.

Шунингдек, у фикҳ илмининг чуқур билимдонини, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, етук ҳуқуқшунос бўлган. Фикҳ илми борасидаги қарашлари унинг “Назм ул-жавоҳир”, “Мажолис ун-нафоис”, “Хазойин ул-маоний”, “Тарихи мулуки аҳам” номли асарларида ўз ифодасини топган.

Тадбирда сўзга чиққанлар Алишер Навоий улуг шоир, давлат арбоби сифатида фаолият юритганида ҳам, шоир ва мутафаккир мақомида сара асарлар битанида ҳам у зотнинг асосий мақсади, аввало, инсоннинг муқаррамлигини улуғлаш ҳамда инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлганлигини таъкидладилар.

Қонунчилик палатаси депутатлари бугунги кунда Алишер Навоийнинг адабий мероси, хусусан, унинг ҳуқуқшунослиққа оид қарашлари кенг миқёсда ўрганилиши, ёшларнинг тарбиясига сингдирилиши зарурлигини қайд этди.

Филология фанлари доктори, профессор Олимжон Давлатов таъкидлаганидек, Алишер Навоий фаол фуқаролик позициясига эга, юрда адолат ва ҳақиқат устуворлиги учун собит турадиган зот бўлган. Шаксиз, адолат — Алишер Навоий ижодининг ўқитмирини ташкил этади. Шундай экан, давлатчиликнинг асоси ва ўқитмири адолат тамойили ҳисобланади.

Тадбирда Навоийнинг асарларидаги миллий ва умуминсоний ғоялар, адолатли фуқаролик жамиятини куриш борасидаги қарашлари бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган халқпарвар сийсатга мафкуравий асос эканлиги қайд этилиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда Навоий газалларидан намуналар ўқилди.

«Халқ сўзи».



«Йигитликда йиғ илмнинг махзани...»

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокама қилинар экан, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши масаласига ҳам урғу берилгани халқимизни жуда хурсанд қилди. Ахир беш аср муқаддам Алишер Навоий бобомиз ҳам ўз асарларида айни шу масалани бадий талқин қилган, эртанги кунимиз эгалари бахту саодати учун куюнган. Буюк аллома орзуларининг бугунги рўёби ҳар биримизни масрур қилади.

Муносабат

Алишер Навоий боқий меросини ўрганар эканмиз, уларнинг замирида инсон қадри, қамолоти, халқ манфаатлари ғоялари ётганини кўрамыз. Масалан, улуг шоир:

*Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилш чоғи сарф қилгил ани,*

дер экан, ёшларни ўтаётган ҳар қадиқадан унумли фойдаланиб, билим олишга, китоб ўқишга, маънан бойишга, илм хазинасини кенгайтиришга ундайди. Вақт — оқар дарё. Кексайганингда мана шу хазина корингга ярайди, ҳаётда ўрнингни топишингда, умр йўлингда учраган тўсиқларни енгиб ўтишингда, обрў-эътибор, мавқе касб этишингда, бахтли-саодатли, фаровон яшашингда асқатади, дейди у.

Улуг мутафаккир “Хайрат ул-аброр”да ҳам инсоннинг умр баҳори, энг гўзал даври ҳақида сўз юритган. Шоир инсонга берилган умрни фаслларга қиёслади. Киши умр баҳорини шундай ўтказиши керакки, ёшлик мевалари тўқилиб, бақо гулшанини гўзаллик тарқ этганда, оҳ ила надоматлар чекмасин.

Ҳаётда кўриб турибмизки, кимдир қисқа умрини мазмунли ўтказиб, элга нафи тегади. Кимдир эса мазмунсиз умр кечиради. Алишер Навоий таъкидича, ҳар бир инсон умрининг баҳори — йигитлигини илм-ҳунар эгаллашга сафарбар этмоғи лозим.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг ёшлигидан меҳнат, илм ва ҳунар эгаллашга сафарбар этилишида ҳам буюк аждодимиз эзгу орзу-ниятлари муҳассамдир. Шоир дoston қарҳамонини тасвирларкан, “*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм, Билиб таҳқиқни касб этмаган илм*”, дейди.

Дoston воқеалиги кўрсатадики, кимки илму ҳунарни пухта эгаллаган бўлса, ўз орзулари рўёбига, албатта, эришади. Ўз илмига ишончи, тилсимларни ечиши, ҳунар ва санъатини ҳар соҳада кўрсата олиш — Фарҳоднинг илм жиҳатидан тақомилга етганини кўрсатади. Бу билан ҳазрат Навоий инсон тафаккури билан ҳар қандай муаммони ҳал этиши мумкинлигини ҳам айтди. Илм бу йўлда инсонга ҳамроҳ, йўл кўрсатувчи маёқ эканини таъкидлайди. Жумладан, Фарҳод тилидан шундай дейди:

*Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манго то бўлди маҳҳал,
Топилмас мушкулэ мен қилмазан ҳал.*

Фарҳоднинг қамол топишида Боний, Моний, Қоран, Афлотун, Сукрот, Жомасп, Хизр, Сухайло каби олим, донишманд, ҳақимларнинг хизмати катта. Алишер Навоий бежиз бу сиймоларни дostonга киритмаган. Инсон умри давомида урганади ва маънавий бойиб боради. Фарҳод ҳам мана шундай устозлар қўлида таълим-тарбия топди. Қомил инсон даражасига етди. Улуг шоир Фарҳод образи орқали илмий бўлиш, ҳунар ўрганиш, маънавий қомилликка интилиш, эзгу инсоний туйғулар билан яшаш ғояларини улуғлаган.

Умуман, мутафаккир бобомиз кўплаб асарларида ҳар бир инсонни билимли, ҳунарли бўлишга ундаб, олимликнинг фойдаларини ҳаётини мисоллар асосида кўрсатиб берган. Биргина “*Қуёшлик истасанг, касби қамол эт*” ҳикмати-нинг нақадар асосли ва мантқили эканини мулоҳаза этишининг ўзи кишини ҳайратлантиради.

Бугун мамлакатимизда улуг бобомиз орзу-ўйларининг ҳаётга татбиқи халқимизни мамнун этмоқда. Президентимиз таълим-тарбия соҳаси ривожига давлат сийсати даражасида эътибор қаратмоқда. Фарзандларимиз қамолотига боғча ёшиданок ғамхўрлик кўрсатиляпти. Мактабларда, коллеж ва техникумларда, олий ўқув юртларида замон андозаларига мос шарт-шароитлар яратилаётир.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган йиғилишда таъкидланганидек, таълим соҳасида вазифалар жуда кўп. Шу боис Лойиҳа офиси ташкил қилинди ва унга катта илмий-амалий тажрибаси бор мутахассислар жамланди. Энди мазкур офис Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази билан биргаликда мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқроқ стандартлар асосида янгилайди. Ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқроқ тажрибалар (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилади.

Президент мактаблари таълим дастури яна мингта мактабда қўлланилади. Уларнинг моддий-техника базаси шунга мувофиқ яхшиланади.

Хуллас, йиғилишда мактабгача таълим, мактаб, профессионал ва олий таълим тизимида сифат ўзгаришларига олиб келадиган қатор чора-тадбирлар белгиландики, уларнинг барчаси ёшларимизнинг замонавий билимларни, ҳунарларни эгаллаб, ҳатто халқроқ даражада рақобатбардош касб соҳиблари бўлиб улғайишига замин яратади. Бу эса аждодларимизнинг, жумладан, Алишер Навоий бобомизнинг ҳаёт тамойилига айланган эзгу мақсадиدير.

Марғуба АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори, доцент.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:
«Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам»,
деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини
баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида
бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



«... Ҳар ваъдаки, айласа вафодур анга шарт»

Туркий халқлар осмонининг сўнмас қуёши, мутафаккир шоир Алишер Навоий мумтоз *Шарқ поэтикасининг ўн олти лирик жанридаги асарлардан таркиб топган “Бадоеъ ул-бидоя”* девони мисолида ўз даври поэтик услубига хос жуда кўп илмий масалаларни, хусусан, туркий тил имкониятлари, ёзма адабиётда стилистика қонуниятлари, озгаки бадий ижоднинг лирикага таъсири масалаларини таҳлил қилиш мумкин.

Тадқиқ

Хусусан, буюк аждодимиз шеърятда ғазалдан ташқари ўз даврида кенг тарқалган лирик жанрларнинг турли кўринишлардаги тақомилига эришар экан, эстетик тамойилларнинг янги қирраларини намойиш этади.

Жумладан, “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан 85 рубоий ўрин олган ва уларнинг аксарияти рубоийи-таронадир. Бу рубоийлар орасида табиат мўъжизаларининг гўзал тасвири берилган мўъжаз лавҳалар учрайди:

*Сув кўзусини боғ аро айларда шитоб
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу сиймобни андоқ кўзур,
Қим кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.*

Насрий баёни шундайки, боғда кўзгудек жиллоланиб турган сув юзида сиймоб ўйнар эди. Ёки бир ёғду — шуъла сув юзида сиймобдек жиллоланар эди. Киш совуғининг шиддати бу сиймобни

шундай бир кўзгуга айлантирдик, унинг тиникилигини кўрган кўзгу сиймобдек эриб кетди.

Кичик шакл, аммо чуқур мазмунли рубоийларида шоир ўз ижодий услубига хос сўз ўйини қилади. Масалан, шоир мугбача образида, албатта, дайр пири, яъни бу дунёдаги бир маърифий йўлбошчини назарда тутайди, жому май образларида эса маърифий суҳбатлар, пок муҳаббатга интилиш назарда тутилади.

Қуйидаги рубоийда ҳам бизни ўзига тортган ҳодиса шоир адабий-эстетик принципларига хос сўз ўйинидир. Ижодкор бир жом май ҳақиқга жонини беряпти, икки жом май учун эса икки дунёсини ҳада этмоқда. Илоҳий муҳаббат завқидан бир томчисини тўққанимдан кўра, қоним тўқилсин, демоқда:

*Бер жому ол, эй мугбача, жонимни иваз,
Қўш тутқилу, ол икки жаҳонимни иваз,*



Неча минг асрлар илгари сўниб кетган юлдузларнинг шуъласи бизга ҳамон сезилиб тургани каби тарихда ўтган буюк аждодларимизнинг маърифат нуридан ҳанузгача баҳрамандимиз. Сир эмаски, улуг бобокалонимиз Алишер Навоий асарлари тилининг жозибаси, ўйноқлиги, сермаънолиги беш асрдан буён бутун оламга завку шавқ бериб, ҳайратга солиб келмоқда.

Хайрат

Сўзлар изоҳи — Алишер Навоий тилининг энг мураккаб ва қизиқарли соҳаси. Буюк шоир ижодининг бу қиррасини очиб бериш учун олимларимизнинг кўпгина илмий тадқиқотлари, рисоалари эълон қилинди. Ҳали-ҳамон ўрганилишда давом этмоқда.

Ҳазрат Навоий тилидаги сўзлар изоҳида бир ҳодиса бизнинг ҳам эътиборимизни

ўзига жалб этди. У ҳам бўлса, бир хил шаклдаги сўзларнинг зид маъноларда қўлланилиши. Фикримизни тўлароқ тушунтириш учун мисолларга мурожаат қилсак:

*Эй, ҳуснунига зарроти жаҳон ичра тажалло,
Мазҳар сенга аиё,
Сен лутф била қавну макон ичра мавло,*

олам сенга мавло.

Шоирнинг маҳоратини қарангки, у “мавло” сўзини бир мисрада бир-бирига зид маънолари билан қўллайди. Байтнинг би-

Бебаҳо дурлар

ринчи мисраси шундай изоҳланади: эй, хуснидан зарралар жаҳон ичра жилваланувчи, сенинг жамолинг дунёдаги барча нарсда акс этади. Иккинчи мисрани икки қисмга бўлиб изоҳлаймиз. Биринчи қисмда “мавло” сўзи соҳиб, хожа, ҳоким маъносида келган, яъни: сен илтифот ила бу дунёда ҳокимсан, соҳибсан. Мисранинг иккинчи қисмида эса бу сўз қул, банда маъносида келади: олам — сенга қул. Мумтоз адабиётда дунёдаги ҳар бир жисмда Аллоҳнинг акси бўлади, деган тушунча бор. Бу байтда биз айнан шу маънони англашимиз мумкин.

Маълумки, “чекмоқ” сўзи мумтоз адабиётда сермаънолиги билан машҳур. Унинг маънолари орасида ҳам бир-бирига зид келувчилари бор. Масалан, Алишер Навоийнинг бир шеъридаги “узмок” маъносини олсак:

*Сочинг қуфрида ўлсам, қабрим
узра қўйма хирқамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман
белига зуннор эт.*

Яъни сенинг сочингга иштиёқманд бўлиб, сочинг ишиқида ўлсам, кийимимни қабрим устига қўйма, қолдирма, уни парча-парча қилиб, барҳаманга (ошиққа) бер, у белига белбоғ қилсин.

Энди “узмок”қа антоним бўлган “туташмок” маъносини оламиз:

*Қошининг ёйи чекимлиш зулфи қавғонигача,
Зулфи қавғони доғи гўйи занҳодонигача.*

Қошининг ёй шаклида бўлиши Шарқда гўзаллик белгиси ҳисобланади. Байтда

маъшуканинг гўзаллигини ифодалаш учун айнан шундан фойдаланилган. Яъни қошининг ёйи зулфига, ундан иягига тутатиб кетган.

Келинг, бу сўз “ечмоқ” маъносида қўлланган байтни кўриб чиқамиз:

*Қилди ашқимни шафқатун ҳажр
бепоён туни,
Хулаасин чек тоғнинг,
эй гардуни, қон бўлғусидур.*

Яъни ҳижроннинг бепоён туни кўзёшларини қизил тусга киритди. Тезроқ тонг отсин, бўлмаса ҳаммаёқ қонга тўлиб кетади. Юқоридаги маънонинг антоними эса “боғламок”дир:

*Айтдим, бошимни фитрокингга чек,
эй шайхсувор,*

*Деди, бош асардек эрмас
тезликдан маркабим.*

Байтнинг мазмуни шундай: айтдимки, бошимни эгарингга боғлаб кет, эй чавандоз. У эса: “Уловим шунчалик тез кетаяптики, ўз бошимни ҳам базўр асраяман”, деди. Келтирилган мисоллардан кўринадики, Навоий ҳазратлари ўзбек тилининг бетакор гўзаллигини ўз ижоди билан исботлаб берган. Биз ҳам улуг устоддан ибрат олиб, тилимизни бойитишга, асраб-авайлашга ҳаракат қилсак, ўзбек деган миллат номи тарих зарваракларида абадий тураверади.

Ирода ЭШОНХОНОВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 587 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юклай олиш учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.*



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.52 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислom Қаримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.